



"NAVOIY KON-METALLURGIYA KOMBINATI"  
AKSIYADORLIK JAMIYATI



O'ZBEKISTON JURNALISTLARI  
IJODIY UYUSHMASI

**2022 йил 25-30 март**

**Навоий вилояти**

## **ПРЕСС-РЕЛИЗ**

**2022 йил 25-30 март кунлари Навоий вилоятида “Миллий журналистика: анъаналар давомийлиги ва замонавийлик” мавзусидаги республика медиафоруми ўтказилди.**

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган республика медиафорумида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган 100 нафарга яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари ва журналистлар иштирок этди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров, Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги бош директори Абдусайд Кўчимов, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Шерзодхон Қудратхўжа, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Хуршид Дўстмухамедов, “Хуррият” газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумакулов, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, “Қишлоқ ҳаёти” газетаси бош муҳаррири Чори Латипов каби таниқли журналистлар медиафорум меҳмони бўлишди.

Республика медиафорумининг 1-кунида Навоий шаҳридаги “НКМК тарихи” музейида Навоий вилояти таҳририятлари бош муҳаррирларига “Yurida-Orfo” компьютер дастурини бепул ўрнатиш учун сертификатлар тантанали топширилди ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона ва Андижон вилоятлари бўлимлари раисларининг олиб бораётган ишлари ҳақидаги ахборотлари тингланди. Шунингдек, куннинг иккинчи ярмида тадбир иштирокчилари учун Кармана туманидаги тарихий қадамжоларга зиёрат ташкил этилди.

Медиафорумнинг 2-кунида Навоий шаҳридаги “НКМК тарихи” музейида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шухрат Жабборов “Босма ОАВ: бугунги аҳвол ва истиқболдаги режалар”, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси, таниқли журналист Фармон Тошев “Журналистлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда Самарқанд тажрибаси”, “Ишонч” ва “Ишонч доверие” газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов “ОАВ қонунчилигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадамлар”, “XXI asr” газетаси муҳаррири Норқобил Жалилов “ОАВ ва жамият” мавзуларида тадбир иштирокчилари учун маҳорат дарсларини ўтишди. Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Жиззах ва Хоразм вилоятлари бўлимлари раисларининг ахборотлари тингланди. Куннинг иккинчи ярмида Навоий давлат кончилиги

институти фаоллар залида “Миллий журналистика: анъаналар давомийлиги ва замонавийлик” мавзусидаги республика медиафорумининг тантанали очилиш маросими ўтказилди ҳамда Навоий машинасозлик заводидаги технопаркка пресс-тур ташкил этилди.

Тадбирнинг 3-кунида Навоий шаҳридаги “НКМК тарихи” музейида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, таниқли журналист ва ёзувчи Хуршид Дўстмухамедов “Ўзбек матбуоти Янги Ўзбекистон даврида”, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров “Журналистлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси”, Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги бош директори Абдусайд Кўчимов “Миллий журналистика: тараққиёт тенденциялари ва муаммолар”, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон Қудратхўжа “Интернет журналистикаси: долзарб масалалар ҳамда малакали кадрлар муаммоси ва ечимлар”, “Хуррият” газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумакулов “Холислик ва тезкорлик, ошкоралик бугунги матбуотнинг бош мезони” мавзуларида тадбир иштирокчилари учун маҳорат дарсларини ўтишди. Шунингдек, Навоий вилоятидан янги номзодларга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзолик гувоҳномалари тантанали топширилди ҳамда уюшманинг Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари бўлимлари раисларининг ахборотлари тингланди. Куннинг иккинчи ярмида тадбир иштирокчилари учун Нурота туманидаги “Чашма” меъморий мажмуасига зиёрат ташкил этилди.

Республика медиафорумининг 4-куни Зарафшон шаҳрида бўлиб ўтди. Зарафшонда тадбир иштирокчилари “Қизилқум саҳросини ўзлаштириш тарихи” музейида бўлиб, “Олтин водий” газетаси фаолияти билан танишишди. Шунингдек, медиафорум иштирокчилари учун “НКМК” АЖ 5-гидрометаллургия заводи, “Мурунгов” кони ва 7-гидрометаллургия заводларига пресс-турлар ўтказилди. Пресс-турлар давомида журналистлар комбинатнинг мазкур бўлинмаларидаги ишлаб чиқариш жараёнлари ва амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишдилар ҳамда ишчи-ходимлар билан суҳбатлашдилар.

Медиафорумнинг 5-кунида Навоий шаҳридаги “НКМК тарихи” музейида “Қишлоқ ҳаёти” газетаси муҳаррири Чори Латипов “Жаҳон майдони: Янги Ўзбекистон номини мустаҳкамлашда журналистларимизнинг роли”, “Жамият” газетаси муҳаррири Мақсуд Жонихонов “Глобаллашув жараёнида ОАВнинг роли ва ўрни”, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари Муҳаммаджон Қуронов “Ислохотлар тарғиботининг халқчиллигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзуларида тадбир иштирокчилари учун маҳорат дарсларини ўтишди. Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти бўлимлари раисларининг ахборотлари тингланди. Куннинг иккинчи ярмида Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида “Миллий журналистика: анъаналар давомийлиги ва замонавийлик” мавзусидаги республика медиафорумининг тантанали ёпилиш мароси ўтказилди.

**Мурожаат учун маълумотлар:**

“НКМК” АЖ матбуот хизмати, Иш телефонлари: +99879 227-75-88, 227-72-34

“НКМК” АЖ расмий веб-сайти: [www.ngmk.uz](http://www.ngmk.uz)

“НКМК” АЖнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари:

[t.me/ngmkofficial](http://t.me/ngmkofficial), [www.fb.com/ngmkofficial](http://www.fb.com/ngmkofficial), [instagram.com/ngmk.official](http://instagram.com/ngmk.official), [www.youtube.com/nkmkofficial](http://www.youtube.com/nkmkofficial)